

Интенсив Боғларда Олча Дарахтлари Мевасининг Сифатига Шакл Бериш Усулининг Таъсири

Халмирзаев Дилмурад Камирович¹, Худайбердиева Лайло Абдусаматовна²

Аннотация: Мақолада интенсив технология асосида етиштиришга мўлжалланган олча дарахтлари шох-шаббасига сунъий шакл беришнинг дарахтлар мевасининг сифатига таъсирини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Тадқиқот объекти сифатида олчанинг кучсиз ўсувчи П-7 пайвандтагида ўстирилган Шпанка черная нави хизмат қилган. Кучсиз ўсувчи П-7 пайвандтагида ўстирилган олчанинг Шпанка черная нави дарахтлари шох-шаббасига учта ва бешта скелет шохли “мева девори” усулида шакл бериш куруқ моддаси 13,4-13,7% қанддорлиги 10,2-10,7% бўлган йирик (4,4 граммгача) мевалар олиш имконини беради.

Калит сўзлар: олча, шох-шабба, шакл бериш, нав, қалинлик, майдон, буташ, маҳсулдорлик, мева, барг сатҳи, пайвандтаг, склет, шарсимон, куруқ модда, қанддорлик.

Кириш. Интенсив боғларда дарахтларнинг шох-шаббасига шакл бериш усулини уларнинг жойлашиш зичлиги, навнинг биологик хусусиятлари, қўлланилган пайвандтаг тури, амалга ошириладиган асосий агротехник тадбирлар тури ва бошқа шу каби омилларга боғлиқ равишда тўғри танлаш йўли билан олча боғларининг маҳсулдорлиги ва умрини самарали бошқариш мумкин. Бу айниқса кучсиз ўсувчи пайвандтагларга асосланган интенсив олча боғларида янада юқори аҳамият касб этади. Негаки, дарахтларнинг шох-шаббаси қулай жойлашганда ва улардаги новдалар нисбати фазовий тўғри тақсимлангандагина сифатли ҳосил олиш таъминланади [1, 2, 3.].

Ўз вақтида буталмаган ва ҳаддан зиёд зичлашиб кетган боғларда меваларнинг майдалашиши (бир меванинг ўртача оғирлиги), зичлик юқори бўлганлиги сабабли озуқа ва ёруғликка бўлган рақобатнинг кучайиши натижасида меваларда куруқ модда ва қанддорликнинг пасайиши, меваларнинг пишишидаги кечикиш ва бошқа шу каби салбий ҳолатлар кузатилади [4, 5.].

Кучсиз ўсувчи П-7 пайвандтагида барпо қилинган олчанинг Шпанка черная нави мевасининг сифат кўрсаткичларига дарахтлар шох-шаббасига шакл бериш усулининг таъсирини ўрганиш бўйича тажрибаларимиз юқоридаги фикримизни яққол акс эттирди. Бинобарин, бир меванинг ўртача оғирлиги олча дарахтларининг шох-шаббасига нисбатан тарқоқроқ шакл берилганда олинди. Бинобарин, дарахтларнинг шох-шаббасига 3 та скелет шохли ва 5 та скелет шохли усулда шакл берилганда назорат варианты каби ва ундан биров оғирроқ мевалар шаклланди.

Шох-шаббага шарсимон ва эркин ўсувчи тиипда шакл берилганда эса назоратга нисбатан майдороқ – 3,8-4,0 г атрофидаги мевалар шаклланди. Бу вақтда назорат вариантыда олинган меваларнинг ўртача оғирлиги 4,3 граммдан кам бўлмади.

Мева таркибидаги куруқ моддалар миқдори ҳам меванинг сифатини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Негаки олчани қайта ишлашда куруқ моддалар миқдори тайёр маҳсулот чиқишини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Кузатувларимиз шуни кўрсатдики, мева таркибидаги куруқ моддаларнинг назоратга нисбатан энг юқори миқдори билан дарахтларнинг шох-шаббасига 3 та скелет шохли ва 5 та скелет

¹ Тошкент давлат аграр университети профессори

² Тошкент давлат аграр университети таянч докторанти



шошли усулда шакл берилган тажриба варианты ажралиб турди. Ушбу шакл бериш усулларида ёруғлик тартиботининг яхшилиги сабабли бошқа вариантларга нисбатан куруқ моддаларга бой мевалар шаклланишига сабаб бўлди ва у вариантлар бўйича мос ҳолда 13,7 ва 13,4% га тенг бўлди. Бу вақтда назорат вариантыда етиштирилган мевалар таркибидаги куруқ моддалар миқдори 12,5% дан ошмади. Кўриниб турибдики, дарахтларнинг шох-шаббасига 3 та скелет шошли ва 5 та скелет шошли усулда шакл берилган тажриба вариантыда олинган мевалар таркибидаги куруқ моддалар миқдори назоратдан мос ҳолда 1,2 ва 0,9% га юқори бўлди.

Мева таркибидаги куруқ моддаларнинг энг кам миқдори олча дарахтларининг шох-шаббасига шарсимон ва эркин ўсувчи типда шакле берилган тажриба вариантларидан олинган меваларда қайд этилди. Ушбу тажриба вариантларининг ҳар иккисиди ҳам назоратга нисбатан куруқ моддалар миқдори пастроқ бўлди ва фарқланиш мос равишда 3,1 ва 2,3 % ни ташкил этди.

Олча меваларининг таркибидаги эрувчан қандлар миқдори ҳам унинг сифатини белгиловчи энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Негаки олча ҳам дунёнинг кўпгина мамлакатларида асосан қайта ишлаш мақсадларида (шарбат, мураббо ва б.) етиштирилади. Лаборатория таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, меваларнинг таркибидаги эрувчан қандлар миқдори дарахтларни шох-шаббасига шакл бериш усулига боғлиқ равишда тажриба вариантлари ўртасида фарқланди. Бунда энг кўп қанддорлик дарахтларнинг шох-шаббасига 3 та скелет шошли ва 5 та скелет шошли усулда шакл берилган тажриба вариантыда қайд этилди. Ушбу шакл бериш усулларида ёруғлик тартиботининг яхшилиги сабабли, бошқа вариантларга нисбатан қандга бой мевалар шаклланишига сабаб бўлди ва у вариантлар бўйича мос ҳолда 10,7 ва 10,2% га тенг бўлди. Бу вақтда назорат вариантыда етиштирилган мевалар таркибидаги қанддорлик 9,9% дан ошмади. Демак, дарахтларнинг шох-шаббасига 3 та скелет шошли ва 5 та скелет шошли усулда шакл берилган тажриба вариантыда олинган мевалар таркибидаги қанд миқдори назоратдан мос ҳолда 0,8 ва 0,3% га юқори бўлди.

Мева таркибидаги эрувчан қандларнинг энг кам миқдори олча дарахтларининг шох-шаббасига шарсимон ва эркин ўсувчи типда шакл берилган тажриба вариантларидан олинган меваларда аниқланди. Ушбу тажриба вариантларининг ҳар иккисиди ҳам назоратга нисбатан камроқ қанд тўпланиши кузатилди. Мевалар техник етилган даврда уларда аниқланган қанд миқдори мос равишда 8,6 ва 9,5% дан ошмади. Бу эса назорат вариантынинг ушбу кўрсаткичларидан мос равишда 1,3 ва 0,4 % га камроқ демакдир (1-жадвал).

1-жадвал Шох-шаббага шакл бериш усулининг олчани Шпанка черная нави мевасининг сифат кўрсаткичларига таъсири (боғ 2015 йили барпо қилинган)

Тажриба варианты	Бир мева оғирлиги, г	Куруқ модда, %	Қанд, %	Титрланадиган кислоталилик, %	С витамини, мг/100г
шарсимон	4,0±0,08	9,4	8,6	2,0	9,8
3 та скелет	4,4±0,09	13,7	10,7	1,4	11,3
5 та скелет	4,3±0,08	13,4	10,2	1,5	10,9
эркин ўсувчи	3,8±0,08	10,2	9,5	1,9	9,9
сийрак ярусли – наз.	4,3±0,09	12,5	9,9	1,6	10,7
ЭКФ ₀₅	0,2				
Sx, %	0,7				

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, титрланадиган кислоталилик тажриба вариантлари бўйича кучли фарқланмади. Фақатгина дарахтларнинг шох-шаббасига шарсимон ва эркин ўсувчи типда шакл берилганда кислоталиликнинг назоратга нисбатан сезиларли ортиши кузатилди. Ушбу ҳолатни бундай шакл бериш усулларида шох-шаббанинг нисбатан куюқроқ бўлиши, ёруғлик тартиботининг сусайиши ва пировард натижада кислоталиликнинг ортиши билан тушунтирилади.



Маълумки, кўпгина меваларда С витамини миқдори унинг қимматини оширувчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Бизнинг тажрибаларимизда С витаминининг энг юқори миқдори дарахтларнинг шох-шаббасига 3 та скелет шохли усулда шакл берилган тажриба вариантыда олинди. Ушба тажриба вариантыда етиштирилган мевалар таркибидаги С витамини миқдори 100 г янги маҳсулотда 11,3 мг гача етди, бу эса назоратга нисбатан 0,6 мг га юқори демакдир.

Қолган шакл бериш усулларида йиғиб олинган меваларда назоратга яқин аммо бироз фарқланувчи миқдорда С витамини тўпланганлиги кузатилди. Ушбу тажриба вариантларида С витаминининг миқдори мос равишда 9,8-10,9 мг атрофида ўзгарди.

Хулоса:

1. Кучсиз ўсувчи П-7 пайвандтагида ўстирилган олчанинг Шпанка черная нави дарахтлари шох-шаббасига учта ва бешта скелет шохли “мева девори” усулида шакл берилганда курук моддаси 13,4-13,7% қанддорлиги 10,2-10,7% бўлган йирик (4,4 граммгача) мевалар олиш имкони юзага келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Григорьева Л.В., Муханин И.В., Миляев А.И. Оценка перспективных привойно-подвойных комбинаций вишни для создания интенсивных садов. // Вестник МичГАУ. – Мичуринск, 2014. – № 4. – С. 8-9.
2. Доспехов Б.А. Методика опытного дела. – М.: Колос, 1979. – 415 с.
3. Миляев А. И. Формирование крон привойно-подвойных комбинаций вишни и их влияние на продуктивность садов интенсивного типа в условиях ЦЧР. Автореф. канд.дисс...с/х наук. – Мичуринск-наукоград, 2015. – С. 6-22.
4. Муханин И.В., Григорьева Л.В., Миляев А.И. Компоненты продуктивности в интенсивных промышленных садах вишни. // Агро XXI. – М.: «Агрорус», 2015.– № 1-3. – С. 35-36.
5. Исламов С. Я., Халмирзаев Д. К., Абдикаюмов З. А. Growing a low-growth clone planting material of cherry from green cuttings // E3S Web of Conferences 389, 03064 (2023) <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202338903064>.

